



Ўзбекистон
Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 8096-5060-ac88-a861-b282-9944-7083
Хужжат яратилинган сана: 2021-05-25
Ариза рақами: 31216093

Хужжат берилган: Jizzax shahar 14-sonli umumiy o'rta
ta'lim maktabi
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 206880455

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Жиззах вилоят қурилиш
бош бошқармаси бошлиғи
Турсунов Махмуд
Пардабаевич
25.05.2021 10:18

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ
ТОПШИРИҒИ**
25.05.2021 10:18 й.
1708-1708401-20438 -сон

Лойиҳавий бино (иншоот) тури:	14-сонли умумий ўрта таълим мактабига (1-қаватли ёпиқ спорт зали қуриш)
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:	Жиззах шаҳар Ўратепалик МФЙ ҳудуди
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:	Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Қурилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: Жиззах шаҳар Наврўз маҳалласи Ш.Рашидов кўчаси 1 уй

#	Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари	Қисмларнинг мазмуни
1	Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар	А) Жиззах шаҳар қурилиш бўлимининг 2021 йил 15 апрелдаги 59-сонли рухсатнома; Б) Жиззах шаҳар ДХМ (ЯИДХП) орқали юборилган 2021 йил 19 майдаги 31216093-сонли хати.

2	Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тутган ўрни	Жиззах шаҳар Ўратепалик МФЙ ҳудуди. а) объектнинг расмий манзили(расмий манзили бўлмаган ҳолатда объект ҳудудига туташган ёки яқин масофада жойлашган бино ёки иншоот) Аҳоли пункти ҳудудида жойлашган бош режаси мавжуд. б) объект жойлашган ҳудуд қайси зонага мансублиги (аҳоли пунктнинг ҳаракатдаги ёки аввалги бош режасигаасосан) Қурилиши режалаштирилаётган объект жойлашган ҳудуд электр ва газ тармоқлари билан таъминланган. в) объект жойлашган ҳудуд муҳандислик тармоқлари билан таъминланган.
3	Лойиҳалаштириладиган объект ҳудудининг табиий-иклим кўрсаткичлари	Лойиҳалаштирилаётган объектнинг ер участкаси ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича II-қурилиш иқлим (климат) ҳудудида жойлашган. Қор босими 50 кг-м ² , шамолнинг устивор йўналиши шимолий шарқдан 0,38 кПа. Ҳаво ҳарорати: ўртача йиллик 14,3 С энг баланд ҳарорат 44,5 С , энг паст ҳарорат -19 С. (Июнь - август ойларида Декабрь - февраль ойларида) Объект қурилишини лойиҳалаштириш жараёнида эрозия (емирилиш), селдан сақлаш, сув ва шамол эрозиясидан сақлаш тадбирлари белгилансин. Объект муҳандислик тайёргарлиги ва хавфли геологик ҳамда гидрогеологик ҳодисалардан муҳофазаси ШНК 2.07.01-03* ва ҚМҚ 2.01.03-96 талабларга мувофиқ ишлаб чиқилсин.
4	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги	Лойиҳалаштирилаётган объект қурилишини жойлаштириш ишлари «O'ZGASHKLITI» ДУК дан олинган топосиёмка ва геологик (геодезик) изланишлар тўғрисидаги батафсил маълумот, махсус рухсатнома (лицензия)га эга ташкилотларнинг муҳандислик геология хулосалари ҳамда 1:500 масштаб миқёсидаги топохаритага (бунда ер ости ва ер усти муҳандислик тармоқлари кўрсатилган ҳолда) асосан амалга оширилсин.
5	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга туташ объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот	Лойиҳалаштириш учун танланган ер майдони куйидагича чегараланган: Шимол томондан – Мавжуд Ички ишлар уйлари; Жануб томонда – Мавжуд Мактаб стадиони; Шарқ томондан – Мавжуд Нотурар биноси; Ғарб томондан -Мавжуд 14-сонли мактаб ҳудуди. Ер фонди тоифаси: Давлат заҳира фонди Майдони (га) 33046,39 м ² ташкил қилади.
6	«Қизил чизиклар ва белгилар»	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, қурилиш чизикларига амал қилган ҳолда лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлансин. Лойиҳалаштирилаётган бинонинг лойиҳавий “нол” баландлик белгиси мавжуд бинолар пойдевор баландлигига нисбатан олинсин, яъни мавжуд автомобил йўлининг баланд нуқтасидан 60-90 см баланд қилиб олинсин. Бинони лойиҳалаштиришда пиёдалар юриш йўлагидан белгиланган тартибда норматив ҳужжатларга асосан масофа ташланган ҳолда жойлаштириш кузда тутилсин. Ушбу ҳудуднинг “қизил чизик”лари объектнинг бино иншоотларига салбий таъсир кўрсатмасдан лойиҳалансин.

7	Архитектура талаблари	<p>Лойиҳани ишлаб чиқишда: Объект қурилиши ишларини лойиҳалаштиришда шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш талаблари билан белгиланган “Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ 2.07.01-03)” асос қилиб олинсин. Объект қурилиши ишларини пиёдалар йўлагидан белгиланган тартибда норматив ҳужжатларда курсатилган масофа ташланган ҳолда автомобил воситалар тўхташ жойини инобатга олиб лойиҳалаштирилсин. Объект қурилиши ишларини лойиҳалашда ШНҚ-2.07.02-07, ШНҚ 2.01.02 ҳамда ШНҚ 2.08.02 талабларига мувофиқ бўлиши, инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжнинг ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларнинг ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш ҳамда бинога асосий кириш қисми акс эттирилган 1:500 нисбатдаги бош режаси ишлаб чиқилсин. Ер майдонининг бош режасини тузишда лойиҳа ташкилотлари томонидан танланган ер майдони чегара доирасида 1:500 нисбатан акс этирилган, топотасвир устига белгиланган ўлчамлардан чиқмаган ҳолда яъни муҳофаза зонасини сақлаган ҳолда “Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари” (ШНҚ) ва “Қурилиш меъёрлари ва қоидалари” (ҚМК)нинг қўйидаги талабларни инобатга олинган бош тарих режаси ишлаб чиқилсин, яъни: а) ҳаракатдаги шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларга амал қилинсин; б) аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режасига ва унинг тегишли қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳасига қатъий риоя этиб, объект атрофидаги мавжуд биноларга боғланган ҳолда ягона архитектура кўриниши (ансамбли) ташкил этиш лозимлиги инобатга олинсин; в) объектни реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишни бошлашдан олдин айрим ҳолатларда (буртмачининг талабига биноан ёки ташқи кўринишидан авария ҳолатининг аломатлари мавжуд бўлганда) тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ва бошқа ташкилотларнинг объектнинг ҳолати (конструкцияларнинг чидамлилиги) бўйича ҳулосаси олинсин; г) ушбу архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқ буртмачи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳамда алоҳида муҳим объектлар бўйича вилоят Қурилиш бош бошқармаси билан келишилган лойиҳа топшириқларига ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин; д) объектнинг 1:500 нисбатдаги бош режасини лойиҳалаштиришда лойиҳа ташкилоти томонидан қайта ихтисослаштирилаётган ва реконструкция қилинаётган бино туширилган ҳамда объект атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари акс эттирилган, объектга кириш-чиқиш йўллари ва автомобиллар тўхташ жойлари ташкил этилиши назарда тутилсин; е) (ушбу кичик банд фақат аҳоли пунктининг бош режаси ва унинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда қуриш лойиҳалари мавжуд ҳолларда тўлдирилади), объектнинг баландлиги тегишли ШНҚ, ҚМК ва қўшимча норматив ҳужжатларига асосан лойиҳалансин; ж) объектда қўйидаги кичик архитектура шакллари ўрнатилиши назарда тутилсин: - ўриндиқлар, тунги ёриткичлар ва реклама воситалари ўрнатиш. Объект қурилиши ишларини лойиҳалаштиришда асосан ҳудуднинг табиий иқлимий ва шаҳарсозлик шарт шароитларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган лойиҳа вариантлари ишлаб чиқилсин. Лойиҳани ишлаб чиқишда атрофдаги биноларга боғланиши ҳисобга олинсин. Бинодан йўлгача бўлган ораліқни ободонлаштириш ва атрофдаги биноларга нисбатан жойлашиш бош режаси ишлаб чиқилсин. Бош режада фуқаролар учун барча қулайликлар яратилиши лойиҳалаштириш вақтида ҳисобга олинсин.</p>
---	-----------------------	---

8	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар	Лойиҳачининг лойиҳа топшириғига мувофиқ; а) қурилиш учун ажратилган ер участкасида бузилишга тушадиган бино ва иншоотларга аниқлик киритилсин; б) қурилиш учун ажратилган ер участкасида мавжуд бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилсин.
9	Объектни босқичма-босқич қуриш	Қурилишнинг мураккаблигига ва буюртмачи томонидан бериладиган лойиҳа топшириғига мувофиққурилишни босқичма-босқич олиб бориш ва фойдаланишга топшириш ўз муддатида бажарилиши таъминлансин.
10	Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	Лойиҳанинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида қуйидагилар: а) объектда игна баргли, манзарали ва бошқа дарахтлар ҳамда буталар ва гулларэкилиши; б) кўкаламзорлаштириш ҳудудларининг газон ўтлари билан қопланиши; в) ландшафт архитектурасининг ечимларидан фойдаланган ҳолда дарахтларнинг қандай шаклларда бўлиши инobatга олинсин; г) йўлаклар четларига бетон (“бордю”)лар ётқизиш ва зарур ҳолларда бетон “бордю”)ларга шакл берилиши кўрсатиш.
11	Санитария-гигиена талаблари	Лойиҳалаштиришда санитария-гигиена талабларига риоя этилсин. (ҚМҚ 2.08.06-97) Лойиҳалаштириш жараёнида қурилиш материаллари турларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақиқланмаган ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланилиши шартлиги кўзда тутилсин. Объект қурилиши учун танланган ер майдонидан оқиб ўтувчи канал ёки ариқ мавжуд бўлган тақдирда, лойиҳадаги сув йўналиши ҳамда сувнинг муҳофаза этиш масофаларини сақлаш. ва қирғоқларни ободонлаштириш ва мустаҳкамлаш ишлари лойиҳалаштириш жараёнида инobatга олинсин.
12	Ёнғиндан сақланиш талаблари	Ёнғиндан сақланиш талаблари ШНК 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин.
13	Экология талаблари	Лойиҳалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 22 ноябрдаги “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 949-сонли қарорига мувофиқ экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилинсин.

14	Лойиҳани келишиш	<p>Лойиҳа архитектура-режалаштириш топшириғи мувофиқлигига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки давлат хизматлари маркази орқали қуйидагилар билан келишилсин: Вилоят Қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан - тарихий зоналарда, шу жумладан маданий ёдгорликларнинг қўриқлаш зоналарида қуриладиган объектларнинг ҳамда давлат объектларининг лойиҳалари; бевосита вилоят Қурилиш бош бошқармаси билан - бошқа объектларнинг лойиҳалари. Келишиш учун электрон шаклда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилсин: 1) лойиҳанинг архитектурага оид қисми (тушунтириш хати (тушунтириш хатида лойиҳа-смета ҳужжатида ёнғин хавфсизлигига, санитария-эпидемиология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича ва бошқа йўналишларда бажарилган ишлар акс эттирилади)); 2) бино ва иншоотнинг фасадлари, қаватлар режалари, қурилиш объектининг бош режаси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилладиган лойиҳа ишлари ва инвестиция лойиҳаларини такомиллаштириш учун қўшимча чоралар ҳақида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарорига 2-иловада (Мураккаблик тоифаси бўйича объектлар классификацияси) келтирилган III тоифаларга мансуб объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини бевосита ўзлари санитария-эпидемиология ва ёнғинга қарши назорат хизматлари ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишадилар; қурилиш ҳажми 300 куб метрдан ортиқ бўлмаган объектларни бевосита ўзлари туман (шаҳар) қурилиш бўлимлари билан келишадилар.</p>
15	Қўшимча талаблар	<p>Лойиҳа ташкилоти лойиҳани келишиш давомида вилоят Қурилиш бош бошқармаси ёки унинг ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан берилган тавсиялар ва экспертиза ҳулосасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этади. Буюртмачи ўз хоҳишига кўра қурилиш ишлари тугагандан сўнг объект ҳудудининг ижро топотасвирини (ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ҳолда) бажарилишини таъминлайди ва унинг бир нусхасини вилоят Қурилиш бош бошқармасига топширади. Лойиҳани ишлаб чиқишда зилзилага бардошлик талаблари инobatга олинсин.</p>

Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:

16	Ичимлик сув тармоғи	<p>“Сувоқова” ДУК Жиззах шаҳар филиалининг 2021 йил 22 майдаги №284-сонли техник шартига асосан Ўратепали МФЙ Улуғбек кўчасида жойлашган нотурар жой биноси учун мавжуд сув тармоғи колодецидан уланиш кўзда тутилсин. Уланиш нуқтасига сув харакатини таъминловчи жумрак ўрнатилсин. Оқава сув (канализация)тармоғига уланиш ҳудудий ДСЭНМ ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан келишилган ҳолда амалга оширилсин. Лойиҳа ташкилоти томонидан тармоқга уланиш лойиҳа жараёнида жойида ўрганилсин.</p>
17	Оқава сув тармоғи (канализация)	<p>Оқава сув (канализация)тармоғига уланиш ҳудудий ДСЭНМ ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан келишилган ҳолда амалга оширилсин. Лойиҳа ташкилоти томонидан тармоқга уланиш лойиҳа жараёнида жойида ўрганилсин.</p>

18	Электр тармоғи	Жиззах шаҳар электр таъминоти корхонасининг 2021 йил 24 майдаги №25/200-сонли техник шартига уланиш нуқтаси қилиб 110/10 кВ Марказ потстанциясидан чиққан 10 кВли “Қассоблик” тармоғининг ТП 162/100 кВА дан чиққан 0,4 кВли хаво тармоғининг энг яқин устунига уланиш тавсия этилади.
19	Газ тармоғи	“Жиззах шаҳаргаз” газ таъминоти филиалининг 2021 йил 22 майдаги №-сонли техник шартига асосан мавжуд худудда ер ости ва ер усти табиий газ қувурлари мавжуд. Уланиш нуқтаси худуддаги ер усти Д-50 мм паст босимли газ қувуридан. Лойиха ташкилоти томонидан тармоқга уланиш лойиха жараёнида жойида ўрганилсин.
20	Телефон алоқа тармоғи	-
21	Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи	-
22	Дренаж тармоғи	-
23	Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиха ташкилотига қўйилаётган талаблар	<p>Объектларни муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомилларни белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя этилиши таъминлансин.</p> <p>Объектга уланадиган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари унга чегарадош ўзга ер участкаларидан ўтказиладиган ҳолатларда муҳандислик коммуникацияларининг трассалари ушбу ер участкалари эгалари билан келишилсин. Объектга тегишли ер участкаси худудидан ўтган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари кўчирилиши (зарурат бўлганда) лойихада инобатга олинсин. Объектга уланадиган ер ости муҳандислик коммуникацияларини ётқизишда кўчаларни ёпиқ ҳолда кесиб ўтишни мутасадди ташкилотлар билан келишилсин.</p> <p>Муҳандислик тармоқларини ва иншоотларини лойихаловчи ташкилотга қўйиладиган талаблар: 1. Барча муҳандислик тармоқларининг лойихаси ўз борасидаги ҚМҚ қоидалари талабларидаги қоида ва меъёрларга жавоб бериши керак, яъни: - Сув таъминоти.Ташқи тармоқлар ва иншоотлар ҚМҚ 2.04.02-97; - Электротехник мосламалар ҚМҚ 3 05 06-97; - Лойихалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар ҚМҚ 2.01.01-94; - Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги ШНҚ 2.01.02-04; - Алоқа узатиш тармоқлари учун ер ажратиш меъёрлари ҚМҚ 2.10.06-97; - ШНҚ 1.03.01-03 лойиха ҳужжатларни тасдиқлаш юзасидан қўлланма; - ҚМҚ 2.07.3-96 иншоот атрофини ўраш; - Автомобил йўллари ҚМҚ 3.06.03-96; - Бинолар ички водопроводи ва канализацияси ҚМҚ 2.04.01-98; - 0,4-750 кВ кучланишли электр токи узатиш тармоқлари учун ер ажратиш меъёрлари ҚМҚ 2.10.08-97; - Уй жойлар ва умумжамоат объектларида электр усканаларини ўрнатиш ҚМҚ 2.04.17-98; - Электр тармоқлари ва иншоотларида ҳимоя чегаралари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 26 декабрдаги № 1050-сонли қарорида ўрнатилган барча талаблар бажарилиши шарт. 2. Буюртмачи томонидан лойиха ҳужжатлари асосида қурилиш қуриб битказилиб фойдаланишга топширилганда муҳандислик тармоқлари бўйича натурада бажарилган ишларнинг чизмалари белгиланган тартибда вилоят қурилиш бош бошқармаси планшетига туширилиши учун тақдим этилиши шарт.</p>

24	Қўшимча талаблар	Қурилиш жараёнида ўрнатилган тартибда лойиҳа ташкилоти томонидан объектда муаллифлик назорати олиб бориш таъминлансин.
25	Архитектура режалаштириш топшириғининг амал қилиш муддати	Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғига амал қилиш муддати объект фойдаланишга топширилгунга қадар этиб белгиланади.

2019 йил « » » даги
Ер участкаси чегараларини аниқлаш
ва қелишиш далолатномасига илова


ЕР УЧАСТКАСИНИНГ КАДАСТР ПЛАНИ

Бахромов Шахбоз Шавкат ўғли

(юридик шахснинг тўлиқ фирма номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Кадастр рақами **13 13 02 06 01 0048 0001**

Ер участкасининг майдони 0,04га (396,00м²)



Масштаб 1:500

Ижрочи: Мутахассис Камолова Дилфуза Ураловна

(илмозси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ер участкасининг ҳуқуқ эгаси:

Бахромов Шахбоз Шавкат ўғли

АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:

Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўлими раҳбари:	Лапасов Жўрабек Бахтиёр ўғли
Архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаган мутахассис:	Хайитов Бобур Эргашевич

ТУРСУНОВ МАХМУД ПАРДАБАЕВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун gero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

3334

